



Баланд марраларни кўзлаган халқ

Ўзининг буюк келажagini яратади

Муҳаррир минбари

Инсон ҳаёти шундай кечадики, унинг маълум даври мазмун-моҳиятига кўра, йиллар, ўн йилликлар қамровига сиғмайди. Мураккаб бир вазиятда қабул қилинган қарор ёки танлов тарихий бурилишни бошлаб беради, тақдирларни ўзгартириб юборади, жамиятнинг жон ва қон томирларини очади. Бунёдкорлик кўчаларига нур бағишлайди.

1991 йилнинг 31 августи биз учун, келажак авлодлар учун она шундай тарихий бурилиш палласи



бўлиб қолди. Миллат айна шу кунни қайта туғилди, йўлга кирди десак, муболага бўлмайди.

Бир қарашда орадан ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани йўқдай: кунни кеча эмасмиди Юртбошимиз Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилгани, истиқлолга эришиб, бағримизга хурлик шомоли теккани, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олганимиз, ўзимизга мос миллий тараққиёт йўлини танлаганимиз? Тинчлик-тотувликни, бағрикенглик ва маънавий етуқликни мақсад қилиб олганимиз, "Шу азиз Ватан — барчамизники!" деган буюк шиорни ўртага ташлаганимиз? "Биздан Озод ва

Обод Ватан қолсин" дея саъй-ҳаракатларни бирлаштирганимиз, миллатлараро тотувлик дастурхони атрофида жам бўлганимиз?!

Ва яна: кунни кеча эмасмиди — собиқ тузум исканжасида яшаганимиз, ўзлигимизни йўқотаётганимиз, тарихимиз қора доғлару, сохта айбловларга тўлиб кетгани, гуруримиз таҳқирлангани, заҳматли меҳнатимиз самарасини кўрмай юрган пайтларимиз, даламизга нима экин экишни, иморатни қанча баландликда қуришни ҳам марказдан сўрашга, ижозат олишга мажбур бўлганимиз. Тилимиз, дин-диёнатимизнинг аҳоли-чи?

Тўксон биринчи йилнинг кузида дунёга келган ўғил чақалоқ бугун вояга етди, балким уйланиб, уйлужойли ҳам бўлгандир, фарзанд кўргандир?!

Йиллар бирин-кетин ўтаверади. Мустақиллик қалбимизда, онг-шууримизда, тақдиримизда чуқур илдири отаверади, унинг муқаддас солнома-си Ўзбекистон номи билан аталаётган галабалар, жaxon эътиборига тушган ютуқларимиз билан бойиб бораверади. Бу йилларнинг ҳар кунни, ҳар оғи ва йили маъно-моҳиятига кўра, "умр дафтарини шох сатрлар билан безаш" ва бу безакдан дунёни ҳайратга солиш даври бўлди, десак муболага бўлмайди. Келажак авлодлар бу солноманинг ҳар саҳифасини диққат-эътибор билан ўқишади, халқимиз учун энг буюк неъмат бўлган мустақиллик қандай қўлга киритилгани-ю, уни қандай шароитларда асраб қолганимизни, бу йўлда қандай тўсиқларга дуч келганимизни, ёш давлатимиз ўзининг илк қадамларини қандай қўйганини зўр қизиқиш билан мутолаа қилишади, фарзандларига сўзлаб беришади.

Давоми 3-бетда

Оила ва маҳалла —

маънавиятнинг муҳим пойдевори

Ифтихор

Ҳаётда ҳар бир киши касб-корини, турмуш тарзини, бу ёруғ оламда яшашдан мақсад-муддаосини ўзи белгилайди. Кимдир ҳалол меҳнати билан нон топишни, маълум мулкка эга бўлишни, фарзандларини тўғри сўз, адолатли, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашни, жамоада, маҳаллада яхши ном қолдиришни ўйлайди. Бошқа бир киши ҳаётнинг маъно-мазмунини, яшашдан мақсад нима экани тўғрисида деярли ўйламайди, бошини қотирмайди, аксинча, ўткинчи ҳою-хавасга, кундалик ҳузур-ҳаловатга, яхши еб, яхши ичмоқликка берилади. Бундай кишилар бола тарбиясини, эл-юрт, жамият ва келажак олдидаги ота-оналик, инсоний бурчларини унутишади.

Бир қарашда бир-бирига тамомила зид бу икки хил турмуш тарзида жиддий муаммо йўқдай. Зеро, ҳар бир киши ўз тақдири ва охирагини ўзи яратади, ўзи эккан, ўзи парваришлаган ҳосилни ўради. Шоир ёзганидек, бу дунёда ким нимани изласа шуни топади — ҳикмат излаган ҳикматни, иллат излаган иллатни. Доно халқ гараз ва ҳасад билан яшайдиган, умрида бир бор бўлсин савоб иш қилмаган, фақат ўзини, шахсий манфаатини ўйлайдиган кишиларни хушламайди, бундайлардан узоқроқда бўлишни эп қуради ва, аксинча, имон-эътиқодли, ҳалол-пок, меҳнатсевар,

оилапарвар кишиларни улуглаб, иззат-икромини жойига қўяди. Бу икки ҳолатга чуқурроқ назар ташласак, шахсий турмуш тарзини белгилашнинг шарқ ва ғарбга хос икки хил жиҳатига дуч келамиз. Шарқда жамоа бўлиб яшаш, оила тўғрисида ўйлаш, болалар тарбияси билан шуғулланиш, турмушда учраб турадиган муаммоларни биргаликда, баҳамжиҳат ҳал қилиш муҳим бўлса, Ғарб мамлакатларида алоҳидалик, ўзи учун курашиш ва ўзига имкон ва шароит яратиш ҳисси устунлик қилади.

Давоми 3-бетда

Концепция: устувор вазифалар

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш — амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналиши ҳисобланади. Зеро, тадбиркорлик ривожини — юртимиз ва иқтисодиётимиз тараққиёти гаровидир.

Тадбиркорлик ривожини —

юртимиз тараққиёти гарови

Шу боис ҳам истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларни ислоҳ этиш, эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар мантикий изчилликда босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2011 йил 25 августдаги "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тад-

биркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларига асосан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди, товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғинлари амалдаги қараганда ўртача 2 маротабага, шунингдек, sanoat соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди.

Давоми 5-бетда

Наслчилик: ютуқ ва муаммолар

Депутат минбари

Мана бир неча йилдирки, молиявий-иқтисодий инқироз туфайли ҳатто энг ривожланган мамлакатлар ҳам жиддий тангликни бошдан кечирмоқда. Натижада ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб, аҳолини кундалик эҳтиёж моллари, энг асосийси, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб муаммолардан бирига айланиб бораёпти. Ана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда пасайиш рўй бераётгани йўқ. Аксинча, барча соҳаларда ўсиш қузатилаяпти. Хусусан, қишлоқ хўжалигида эришилаётган муваффақиятлар туфайли ички бозоримиз етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Давоми 4-бетда

Ижро интизоми мустаҳкамланмоқда

Депутатлик назорати

Бугун қишлоқда яратилаётган ҳар битта янги иш ўрни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, модернизациялаш йўлидаги тадбиркорлик ташаббуси меҳнат ресурсларини фаол ҳаракатга келтириш, ўзаро рақобатни кучайтириш ва пировардида оилалар турмуш даражасини яхшилашнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

«Адолат» СДП аъзоси, 8-Арабхона сайлов округидан халқ депутатлари Са-



марқанд туман Кенгаши депутати Қаҳрамон Суяров қишлоқ иқтисодиётини юксалтириш муаммоларини ҳал этишни ўз фаолиятининг муҳим қисми деб бел-

гиланиши боис ваколатлардан ўринли фойдаланишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Давоми 2-бетда

Партия ҳаёти


«Халқ ишончини оқлаш — олий мақсадимиз»

Қашқадарё вилоят партия Кенгаши фаоллари шундай дейишмоқда

Сиёсий ўқиш

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ташаббуси билан "Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш — давр талаби" мавзусида ҳудудий ўқув-семинар ташкил этилди. Унда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, партиянинг шаҳар ва туман Кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ раис ва котиблари, "Аёллар қаноти", "Ёш адолатчилар" қаноти вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда дастлаб партия вилоят Кенгаши раиси, маҳаллий Кенгашдаги депутатлик гуруҳи раҳбари Абдуқаҳҳор Аҳмедов "Мамлакат ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларда партия ташкилотларининг иштирокини таъминлаш ва фаоллаштириш механизмлари" мавзусида маъруза қилди. Нотиқ мамлакатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрдаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси", шунингдек, 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш



ган йил бўлади" номи маърузаси, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури, партия сайловолди дастури ва Сиёсий Кенгаш Пленумлари қабул қилган қарорлари ҳақида атрафлича фикр-мулоҳаза юритди.

— Таъкидлаш лозимки, юртимизда кечаётган янгиланиш жараёнлари, мамлакатни модернизациялаштириш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш нодавлат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар олдида ҳам янги вазифаларни кўймоқда, — деди А.Аҳмедов. — Жамиятдаги ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро учун кафолатланган турмуш даражасини таъминлаш давлатимиз ва партияимизнинг устувор вазифаларидан. Ўқув-семинаримиз мавзуси "Адолат" СДП ташкилотлари фаолияти, қолаверса, самарадорлигини оширишга қаратилган экан, партияимизнинг инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш ташаббусини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу эса ўз навбатида, нафақат партия фаолларида, балки барча фуқароларда жамиятга эгаллик ҳиссини кучайтирибгина қолмай, уларнинг ислохотларга бўлган муносабати ва фаоллигини ҳам оширади. Умуман, бугун сиёсий партиялардан ислохотлар жараёнига, жамият ривожига, демократик ўзгаришларга кучли туртки бўладиган ташаббус, янги ғоялар қўйиладиган экан, сиёсий фаолият йўналишларимизни янада аниқлаштириб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришимиз зарур. Барчамиздан фаоллик, фидойилик ва амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик

талаб қилинаётган бир пайтда партиянинг обрўсини янада кўтаришга ҳаракат қилмоғимиз даркор. Бундан ташқари, қонунлар ижроси ва жамоатчилик назорати бўйича ҳам муҳим вазифаларни ҳал этишда партия ташкилотларининг, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаоллигини ошириш лозим. Айни пайтда маҳаллий Кенгашларда партияимиздан

Нотиқ куйи партия ташкилотлари етакчилари ва фаолларини сиёсий ўқишларга жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш муҳим аҳамиятга эгаллиги тўғрисида тўхталиб ўтди. Жумладан, мамлакатимизда кечаётган ислохотлар талабидан келиб чиққан ҳолда, партия олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, партиявий масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Аъзолик бадаллари тўловини яхшилаш, БПТ фаолиятини кучайтириш, сафларни кенгайтириш, тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, раҳбар кадрлар захирасини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

Ҳудудий ўқув-семинарда, шунингдек, "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларнинг партия ташкилотлари билан ҳамкорлигини таъминлаш — партия дастури ижросида муҳим омил", "Намунали БПТни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш чоралари юзасидан намунали БПТ тақдироти" каби бир қатор мавзуларда маърузалар тинланди.

Баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган ўқув-семинар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Ушбу семинарда партияимизнинг мафқураси, ғояси ҳамда дастурий мақсад ва вазифалари, шу билан бирга, жаҳон социал-демократиясининг асосий йўналишлари ҳақида етарли ахборот, билим ҳамда кўникмага эга бўлди, — деди анжуман якунида партия фаоли Обид Қаюмов. — Албатта, ўқув-семинардан тегишли хулоса чиқариб, партияимизнинг истиқболдаги фаолият йўналишига муносаби улуш қўшамиз.

Тадбир сўнггида кўрилган масалалар юзасидан тегишли тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Умуман, бугун сиёсий партиялардан ислохотлар жараёнига, жамият ривожига, демократик ўзгаришларга кучли туртки бўладиган ташаббус, янги ғоялар қўйиладиган экан, сиёсий фаолият йўналишларимизни янада аниқлаштириб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришимиз зарур. Барчамиздан фаоллик, фидойилик ва амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик талаб қилинаётган бир пайтда партияимиз обрўсини янада кўтаришга ҳаракат қилмоғимиз даркор.

— Ҳар бир сиёсий партиянинг сайланган 29 нафар депутати миз собитқадамлик билан фаолият олиб бормоқда. Вилоятдаги 6700 нафар партия аъзоларимиз эса 218 та БПТларга уюшган ҳолда ташкилий-тарғибот ишларини кучайтиришмоқда. Халқ ишончини оқлаш учун барча чоралар кўриломоқда.

Ўқув-семинарда Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий Кенгаши аъзоси Равшан Ҳайдаровнинг "Кадрлар салоҳиятини ўрганиш хулосалари асосида Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳудудий ташкилотлари фаолиятини шакллантириш" мавзусидаги маърузаси ҳам йиғилганлардан катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу семинарда партияимизнинг мафқураси, ғояси ҳамда дастурий мақсад ва вазифалари, шу билан бирга, жаҳон социал-демократиясининг асосий йўналишлари ҳақида етарли ахборот, билим ҳамда кўникмага эга бўлди, — деди анжуман якунида партия фаоли Обид Қаюмов. — Албатта, ўқув-семинардан тегишли хулоса чиқариб, партияимизнинг истиқболдаги фаолият йўналишига муносаби улуш қўшамиз.

Тадбир сўнггида кўрилган масалалар юзасидан тегишли тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қашқадарё вилояти Кенгаши
Матбуот хизмати

Ижро интизоми мустаҳкамланмоқда

Давом. Боши 1-бетда

Унинг туман Кенгаши сессияларида ёки доимий комиссияларида иштироки ва амалий тақлифлари қўйилган натижаларни бераётгани ҳар жиҳатдан ибратлидир. Тўрт миң нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Юқори Арабхона қишлоғида оилавий тадбиркорлик кенг йўлга қўйилгани ҳамда деҳқончиликда интенсив технологиялар муваффақиятли жорий этилгани юқори даромадга эришиш ва фаровонликни ошириш имконини бермоқда. Депутат раҳбарлик қилаётган «Зухриддин-Мухриддин боғлари» фермер хўжалигида бу йил ғалладан рекорд даражада — ҳар гектар ердан 70 центнердан дон етиштирилди. Боғлардаги сабзавот пайкалларида энди пишиб етилаётган ҳосил мўллигидан кўзингиз қамашади. Умумли меҳнат тўғрисида ҳар йили ўн миллион сўмлаб даромад топаётган фермер хўжалигининг ҳар бир аъзоси фаровон турмуш кечирмоқда.

— Бу йил қишлоқ йўлига тош, ариқларга эса бетон қолама ётқизишни бошладик, — дейди партиядошимиз Қаҳрамон Суяров. — Маҳалланинг янги марказини қуриш учун ҳам зарур маблағ, куч ва имконият топа олаемиз. Маҳалладошларимиз ҳар битта ишимизга мададкор бўлаётгани бизга қувват бағишляпти.

Депутат ҳар сафар сайловчилар олдида ҳисоб бераётганида уларнинг талаб-мунодаларини ҳозиржавоблик билан илғаб, ҳал этишга ҳаракат қилади. Маҳаллада яшовчи 92 ёшли Аҳад Очилов ва қариб шунча йил умргузаронлик қилаётган Исмаил Андиевлар оиласи депутат кўмағида моддий аҳволини анча яхшилаб олди. Фарзандлари ишли, хунари бўлишди. Фермер хўжалиги ҳисобидан Исом Саломов, Ойгул Абдурасулова, Ойсара Холмуродоваларнинг оиласига парранда сотиб олиб берилгани уларнинг тезроқ оёққа туриб олишларига имкон яратмоқда. Бу каби хайрли ишлар маҳаллани ҳамжиҳатликка, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга ундамоқда.

Ана шундай ишчанлик, масъулият ва ҳозиржавоблик Самарқанд туманидаги партия Кенгашлари ва депутатлик гуруҳларига хос фазилат бўлиб, ҳудудга оид кўплаб муаммо-

ларни ўз вақтида ҳал этишга ёрдам бермоқда.

Бугун Самарқанд туманида салкам 500 гектар майдонда томчилаб суғоришга асосланган интенсив боғ «Адолат» СДП аъзоларининг ташаббуси билан юзага келгани, паррандачилик юқори даражада ривожланиётгани, фермер хўжаликлари базасида сутни қайта ишлаш, озиқ-овқат корхоналари пайдо бўлаётгани ва юзлаб истиқболли янги иш ўринлари яратилаётгани иқтисодиётга янги муносабатлар самарасидир.

Депутат раҳбарлик қилаётган «Зухриддин-Мухриддин боғлари» фермер хўжалигида бу йил ғалладан рекорд даражада — ҳар гектар ердан 70 центнердан дон етиштирилди. Боғлардаги сабзавот пайкалларида энди пишиб етаётган ҳосил мўллигидан кўзингиз қамашади. Умумли меҳнат тўғрисида ҳар йили ўн миллион сўмлаб даромад топаётган фермер хўжалигининг ҳар бир аъзоси фаровон турмуш кечирмоқда.

Партиядошимиз Қаҳрамон Суяровнинг таъкидлашича, депутатлик назорати бошқарув идоралари ва иш бевуқиларнинг зиммасидаги мажбуриятларига амал қилишларини таъминлаб, ижро интизоми мустаҳкамламоқда. Уларни ҳодимлар учун қулай иш шaroитлари муҳайё этишга, меҳнатга ҳақ тўлашда ижтимоий адолат меъёрларидан келиб чиққан ҳолда хулоса чиқаришга ундамоқда. Бу эса депутатнинг кўприк қуриши ёки йўлсозлашдан кўра муҳимроқ иш!

Зоҳир ТўРАКУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Ўрناق бўлиш — ташаббускорликка чорлайди

Бошланғич ташкилотларда

Сиёсий партияларнинг негизи саналган бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, жонлантириш ва фаоллаштириш бугунги сиёсий модернизация жараёнларида тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Боиси, улар тегишли давлат дастурларини ижро этишда, ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал қилиш ва электорат манфаатларини ифода этишда партияга ҳар томонлама кўмакчи, фаол ҳамкор саналолади.

Ушбу устувор масаладан келиб чиқиб Ўзбекистон «Адолат» СДП маҳаллий кенгашлари томонидан илгари сурилаётган «Энг намунали БПТ» кўрик-танловини ўтказиш амалиёти бугунги кунда ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилоят Кенгаши ҳам мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги иштирокини кенгайтиришда, энг аввало, куйи бўғинлар фаолиятини самарали ташкил этишга эътибор қаратмоқда.

Бугунги кунда вилоят партия Кенгашидаги 133 та БПТ ўз атрофида 3800 га яқин аъзони бирлаштирган ҳолда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 4 нафар, туман ва шаҳар кенгашларидаги 38 нафар депутат билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Туманлардаги БПТлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг ҳар томонлама шаклланиши ва ривожланишига ёрдам бериш, мавжуд камчиликларни бартараф этишга ёрдамлашиш мақсадида шакллантирилган вилоят Кенгаши фаолларидан иборат назорат гуруҳи томонидан Ко-



гон шахрида жойлашган «Бухоро электр билан таъминлаш дистанцияси» корхонасидаги бошланғич партия ташкилотида шакллантирилган вилоят Кенгаши фаолларидан иборат назорат гуруҳи томонидан Ко-

— Бошланғич ташкилотимиз корхонада фаолият кўрсатаётган 50 нафар партия аъзосини ўз атрофида жипслаштирган, — дейди Ж.Ҳақимов. — Биз, энг аввало, фаолларимиз ва аъзоларимизнинг сиёсий

билимларини ошириш, шу орқали маҳаллалар, корхона, ташкилотларда ўтказиладиган маънавий-маърифий ҳамда тарбиёт-ташвиқот тадбирларида аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар ҳамда партияимиз дастурий ғояларини моҳиятини тушунириш орқали уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга ҳаракат қилаёламиз.

Шунингдек, фуқароларда истеъмоличлик маданиятини юксалтириш, табиий ресурслар, хусусан, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан зарур масалаҳат ва кўрсатмаларимизни етказмоқдамиз. Зеро, ресурс тежамкорлиги масаласи ҳам партияимизнинг дастурий ғояларидан саналади.

Корхона ходимларининг ижтимоий ҳимояси янги йўлга қўйилганлиги боис аъзолик бадалларини йиғишдаги натижалар ҳам таҳсинга сазовор.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Бухоро вилояти Кенгаши таркибидаги намунали бошланғич ташкилотлар ҳақида гап кетганда Вобкент туман стоматология поликлиникасида ташкил этилган БПТ ҳақида ҳам илиқ фикр билдириш мумкин.

32 нафар аъзони бирлаштирган ушбу куйи ташкилот томонидан кўтарилаётган ташаб-

бус ва амалий чора-тадбирлар эътиборга молик. Хусусан, БПТ фаоллари туман партия кенгаши депутати Мақсуд Ҳамидов билан ҳамкорликда поликлиника жойлашган Харгўш ҚФЙ ҳудудидаги қатор муаммоларни ҳал қилишда фаоллик кўрсатишмоқда. Баҳор мавсумида бошланғич ташкилот аъзолари саъй-ҳаракати билан Харгўш қишлоғи марказида олиб борилган ободонлаштириш ишлари давомида бу ерда ўтказилган 100 тупдан ортиқ мева-манзарали дарахт ва атиргул кўчатлари бугун маҳалла кўрмига кўркўшиб турибди.

Шунингдек, 2011 йилда тиббиёт коллежи битирувчиларининг 14 нафари стоматология поликлиникасига ишга жойлаштирилди. Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида БПТнинг ёш аъзоларидан 3 нафари «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги 20 йил» кўкрак нишони билан тақдирлангани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Аъзоларимиз билан партияимизнинг дастурий вазифаларга кўпроқ эътибор қаратган ҳолда ўз иш ҳўжатларимизни тўғри юритишда, сиёсий ўқишлар ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўз вақтида ўтказиб боришга ҳаракат қилаёламиз, — дейди

БПТ раиси Равшан Рамазонов. — «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастуридаги устувор вазифалар ижросини таъминлашга муҳим эътибор қаратмоқдамиз. Айниқса, кам таъминланган оилаларга ижтимоий кўмак бериш мақсадида туман кенгаши билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ташкил этилиб, уларга ҳоҳийлик ёрдами кўрсатишмоқда.

Шу ўринда Вобкент стоматология поликлиникасидаги мақкур БПТ аъзолари Харгўш қишлоғида ичимлик суви қувури тортиш ташаббуси билан чиққанлиги, ушбу масаланинг халқ депутатлари Вобкент туман кенгаши сессияси қун тартибига киритилганлиги ҳам партияга бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

Албатта, Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилоят Кенгаши таркибидаги барча БПТлар фаолиятини ҳам талаб даражасида деб бўлмади. Аммо юқоридаги каби намунали куйи ташкилотлар иш тажрибасини барча ҳудудларда жорий қилишга қаратилаётган чора-тадбирлар келгусида ўз самарасини бермай қолмайди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Бухоро вилояти Кенгаши
Матбуот хизмати



Баланд марраларни кўзлаган халқ ўзининг буюк келажагини яратади

Давоми. Боши 1-бетда

Истиқлол солномасига назар ташлаган киши мустақиллик йилларида мамлакатимизда янги-янги анъана ва қадриятлар, янги ижтимоий муносабатлар, янги дунёқараш ва фикрлар, шу билан бирга, мамлакат, миллат тақдири учун масъуллик ва бундан фахр-ифтихор туйиш хисси пайдо бўлганига гувоҳ бўлади. Мана шунинг ўзи энг катта ютуғимиз, истиқлол иморатининг мустақам пойдевори, келажак сари йўрилган нигоҳи эмасми?! Ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолликнинг янги қирралари юзага келганича?

Ийгирма йил аввал эрта-кеч даладан келмайдиган, елкасидан кетмон тушмаган деҳқоннинг фарзанди бугун мамлакатнинг таниқли кишиси, миллатнинг, бутун Ўзбекистоннинг ифтихори, буюк келажакимизнинг яратувчиси эканлиги ютук эмасми?!

Ҳар бир йилга ном бериш, бутун куч ва имкониятларни, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни ягона мақсад сари йўналтириш, аввалдан ўйланган пухта режа асосида маълум соҳа ривожини таъминлаш янги анъанага айланган, йилларнинг "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Обод маҳалла йили", "Меҳр ва муруват йили", "Сихат-саломатлик йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ижтимоий

ҳимоя йили", "Ёшлар йили", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили", "Баркамол авлод йили", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", "Мустақам оила йили" деб номланишининг ўзиёқ миллий истиқлол ғоясининг чин инсонпарварлик моҳиятини, биз қураётган буюк давлатнинг маънавий-ахлоқий юзини кўрсатиб турибди.

Истиқлол жамиятининг ҳар бир аъзоси учун, у қайси соҳада меҳнат қилмасин, ҳаётда, ижтимоий ёки ижодий фаолиятда ўзини тўла намоён этиш, мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдаланиш ҳуқуқини берди. Истиқлол, энг аввало, ҳуқуқ бўлиб онг-шуурига сингди. Истиқлол натижасини бугун одамларнинг дунёқарашини, фикри-зикри, турмуш тарзида кўриш мумкин. Ҳар бир кишида ҳаракат, интилиш, излаш, яратиш иштиёқи бор. Ҳар бир кишида бугунгидан-да фаровон ҳаётга, буюк келажакка ишонч бор. Истиқлол йилларида деярли қайта қурилган шаҳарларимизнинг, ободонлашиб бораётган қишлоқларимизнинг янги замонавий кўриниши, йўлсозлик, кўприксозлик, шаҳарсозлик илмининг, тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг бениҳоя ривожланиши, илм-фан, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришилаётган ютуқлар, ҳаётимиз ва ишларимизнинг давомчилари бўлган ёш авлоднинг зафарлари, миллатлараро аҳил-иноқлик, бағрикенглик, ҳеч шубҳасиз, истиқ-

лол шарофати. Дунё минбарларида мустақил Ватанимизнинг номи ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинганда, мамлакатимизга ер юзининг турли минтақаларидан Ўзбекистон таърибасини ўрганиш учун ҳам келишаётгани — миллий истиқлол йилининг тўғрилигидан далолат.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари ҳақида сўз юритганда, иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда бугун нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, айни чоғда халқимизнинг турмуш тарзида, яшаш шароитида, маҳалла ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ жойлариде маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланаётгани, замонавий инфратузилма шаклланаётгани, ёш оилаларга уй-жой қуриш учун тегишли имкониятлар яратиб берилганда, фаровон ҳаётга, буюк келажакка олиб борилаётгани кўнгилда мунаввар туйғулар уйғотади.

Йиллар йилларга уланиб бораверади. Вақт чархи тинимсиз айланади. Мақсадни аниқ белгилаган, бу йўлда баҳамжihat ҳаракат қилган, оғоҳликни қўлдан бой бермаган, ютуқларидан эсанкирамай, янги, янада баланд марраларни кўзлаган халқ, миллатгина ўзининг буюк келажакини таъминлай олади. Дунё нигоҳини ўзига тобора кўпроқ қаратаётган Ватанимизнинг ибратли йўли бунга мисол бўла олади.

Оила ва маҳалла — маънавиятнинг муҳим пойдевори

Давоми. Боши 1-бетда

Бир жойда узоқ вақт яшаш, бир жамоада меҳнат қилиш мумкин, аммо ҳеч ким иккинчи бир кишининг шахсий ҳаётига аралашмайди, оиласи тўғрисида сўрамайди, турмушда учраб турадиган муаммоларига деярли эътибор бермайди, "Бирор бир ёрдамим керакдир" деган савол билан бир-бирларини қўллаб-қувватлашмайди. Бу таомилни нанинки оддий одамлар, фарблик олимлар ҳам оқлашади, уларнинг фикрича, жамият ахлитлик, умумийлик сари интилмайди, у ҳар бир кишининг шахсий ҳаёти, бир-бирини тўлдирувчи ёки инкор этувчи дунёқараш, эркинлиги ва ҳою-ҳавасларидан иборат.

Шарқда эса бунинг тамоми аксини кўрамай. Ота-онага ва, умуман, катталарга, устоз-мураббийларга ҳурмат-эътибор, ҳалоллик, тўғрисиқлик, меҳнатсеварлик, ўзаро меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлар бола қалбиде оила бағрида, маҳалла шароитида, кўпни кўрган, катта ҳаёт таърибасига эга бўлган нуруний отахон ва онахонлар таъсирида шаклланади. Оиланинг соғлом ва мустақамлиги жамиятнинг мустақамлиги ва раванликка пойдевор бўлади. Маънавий ҳаётимизнинг юксалиши эса кўп жиҳатдан маҳалланинг фаоллиги, бу ерда умргузаронлик қилаётган кишиларнинг ўзаро аҳил-иноқлигига боғлиқ. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида маҳалла деб аталмиш ўз-ўзини бошқариш тизимининг бу ноёб бугунини янада мустақамлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди ва бу жараён бугун ҳам изчил давом этмоқда.

Маҳаллада турли миллат

вакиллари, турли касб эгалари, турли динларга эътиқод қилувчилар ёнма-ён истиқомат қилишади. Улар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида ўзаро аҳил-иноқ бўлиб яшаётганлари, бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатаётганлари, беморлар, муҳтожлардан биргаликда хабар олиб, яхши-ёмон кунларда бир-бирларига елкадош бўлаётганлари жамиятимизнинг энг катта ютуғи. Маҳалла бўлиб яшаш бизга ота-боболаримиздан қолган буюк мерос. "Маҳалла" тушунчаси биринчи марта Конституциямизга киритилди, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми аниқ белгилаб қўйилгани эса янада қувонарли. Бундай юксак мақом мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" тамойилининг ижтимоий ҳаётда босқичма-босқич амалга ошаётганига ишончли далолат.

Маҳалланинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги ўрни бекиёс, албатта. Айни чоғда, бу жиҳатчилик институтини ҳаётимизда демократик тамойилларнинг қарор топишига ҳам ўз хиссасини қўшади. Зеро, одамлар ҳаётдаги ҳар қандай муаммо ёки бирор-бир режа маҳаллада эркин ва ошқоқор, бамаслаҳат, ҳар бир кишининг фикри, тақлиф ва мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда ҳал қилинади.

Оила — маҳалла жуфтлиги ёш авлод тарбияси учун биргаликда масъул десак, муболага бўлмайди. Оилаларда вояга етаётган фарзандлар маҳалла аҳли кўз ўнгида ўсиб-ўзлабди. Ота-она фарзандлари тарбияси билан шугулланмай, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйса, бундай болаларни кўча ўз "тарбия"сига олади, натижада вақти-соати келиб, маҳалла учун, жамият учун янги муаммолар юзага келади.

Бола тарбияси — мураккаб жараён. Болани тарбиялаётган, ўзимиз ҳам тарбия оламиз, ота-оналик бурчимизни янада чуқур хис этамиз. Бизнинг жамики хатти-ҳаракатларимиз фарзандларимиз кўз ўнгида кечади. Ота-онанинг маҳалладаги нуфузи, эл-юртдаги обрў-эътибори фарзандга қанот бағишлайди, ўзига бўлган ишончини мустақамлайди. Баъзи ҳолларда бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Чунки боланинг маънавий олами оиладаги муҳитга боғлиқ ҳолда шаклланади.

Кейинги йилларда дунё жамиятининг ўзбек маҳалласига эътибори анча кучайди, оила, никоҳ, болалар тарбияси, ота-она ва фарзандлар муносабатлари каби тушунчаларни жиддий ўрганиш бошланди. Бу қувонарли, албатта. Аммо таассуф билан айтиш керакки, мамлакатимизда оила ва маҳаллага бўлган жиддий эътиборни бошқача талқин этаётганлар ҳам йўқ эмас.

Демак, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрафлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбиде миллий таваққур ва соғлом дунёқараш асосларини мустақамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродалар, фидойи ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин.

Бу вазифа бежиз кун тартибига қўйилаётгани йўқ. Бу

гун дунёда иқтисодий соҳада — ўзга минтақалардаги табиий бойликлар устидан назоратни қўлга киритиш, мафкуравий соҳада — турли халқларнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзини ўз манфаатлари йўлида "ислох" қилиш, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш, уларни тўғри йўллардан чалғитиш каби носоғлом хатти-ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай ҳаракатлар бир қарашда қўзғатувчи ташланмайдиган, деярли беозор бўлиб кўринадиган ва ҳатто, қизиқарли, жозибали шаклларда олиб борилади. Моддий манфаатдорлик ваъда қилинади. Ҳаётий таърибаси етарли бўлмаган, турмушнинг оғир синовларига дуч келмаган, бирор-бир сабаб билан оилада тўлақонли тарбия олмаган, маҳалла мактабини ўтормаган ёшлар бундай "жозоба"га тез маҳлиё бўладилар ва, ўзлари билмаган ҳолда, кимларнингдир тўғрига илиниб қоладилар. Маънавий қуролсизлантирилган ва бунинг оқибатида маънавий илмий-амалий жиҳатдан атрафлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбиде миллий таваққур ва соғлом дунёқараш асосларини мустақамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродалар, фидойи ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин.

Бу вазифа бежиз кун тартибига қўйилаётгани йўқ. Бу

Бугунги дунёнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ахборот оламининг глобаллашуви билан боғлиқ. Бугун эрта-кеч бошқа бир қитъада юз берган воқеа-ҳодиса тафсилоти шу куннинг ўзида дунёнинг бошқа бир чеккасига етиб келади, телевидение бевосита намойиш этади, ахборот агентликлари қайта-қайта шарҳлайди. Бу, табиийки, техника асрининг ютуғи, инсон ақл-заковатининг ҳосиласи. Аммо мана шу "ҳосила" сабаб, ҳаётимизга, онг-шуурига энг сўнгги ахборотлар, муҳим маълумотлар, инсониятнинг оламшумул ихтиролари ҳақидаги тафсилотлар билан бирга, миллий менталитетимизга, шарқона одоб-ахлоқимизга мутлақо зид бўлган ғаразли "қадрият"лар ҳам кириб келмоқдаки, бу ҳолатга асло бепарво бўлмастик керак. Мустақам оила, аҳил маҳалла, эзгу ишларимизнинг давомчилари бўлиши янги баркамол авлод тарбияси — бу уч муҳим мақсад бугун жамиятимиз учун ҳам, ҳар биримиз учун ҳам ғоят долзарб вазифа ҳисобланади.

М. АҲМЕДОВ



Эл саломатлиги — юрт бойлиги

Дастур доирасида

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сайловолди дастурида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада оширишни кучайтириш бош вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиқиб бугунги кунда партиямиз фаолиятида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўз сафиде минглаб тиббий ходимларини бирлаштирган «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши туманидан аҳоли саломатлигини мустақамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, айниқса, аҳолининг кам таъ-

минланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига эътиборни кучайтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят партия Кенгаши ва «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Андижон давлат тиббиёт институтида

«Соғлом авлод ва тиббий хизмат самарадорлигини ошириш» мавзусида ўтказилган

семинарда ҳам юқоридагилар ҳақида сўз борди. Таъкидлаш жоизки, бугун



вилоятнинг аксарият туманларида партиядошларимиз томонидан аҳоли саломатлигини мустақамлашга қаратилган тадбирлар, тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Она ва бола саломатлиги, қишлоқ жойлардаги кам таъминланган оилаларни тиббий кўриқдан ўтказиш, фахрийларни соғломлаштириш доимий эътиборда.

Хусусан, яқинда «Адолат» СДП вилоят Кенгаши фаоллари ва партия сафидеги шифокорлар Кўргонтепа туманидаги Ногиронлар уйида бўлишди. У ерда яшаётган имконияти чегараланган болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, керакли дори-дармонлар берилди. Ўз навбатида вилоят партия Кенгашининг эсдалик совғалари ҳам топширилди. Асака туманида бир ҳафта

мобайнида аҳолини тўла тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари олиб борилди, натижада асакаликлар орасида партиямиз ҳайрихоҳлари янада кўпайди.

Семинарда юқоридаги каби ишларни таҳлил этиш билан бирга жойларда тиббий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ ишларни янада кучайтириш ҳақида сўз борди. Бу борда спортнинг оммавийлигини таъминлаш, атраф-муҳит тозаллиги ва оилада тиббий маданиятни ошириш хусусида таърибали шифокорлар фикри эшитилди.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш доимий ишимизга айланган, — дейди «Адолат» СДП Андижон вилоят Кенгаши раиси Алишер Шодмонов. — Амалдаги йил республикамизда «Мустақам оила йили» дея номланиши бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришга асос бўлмоқда. 2012 йилнинг ўтган даврида бевосита

партия Кенгаши ташаббуси билан 50 нафардан ортиқ фуқаро Андижон давлат тиббиёт институтини клиник шифохонасида соғломлаштирилди. Андижон шаҳар, Асака, Андижон ва Марҳамат туманларида аҳоли саломатлигини мустақамлашга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилдики, бунинг замирида инсон саломатлиги, соғлом авлодни яратиш масаласи ётади.

Шунингдек, семинарда «Мустақам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида олдinda турган вазифалар ҳам белгилаб олинди. Бу ишда партия фаоллари ва тиббиёт ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилоят Кенгаши маъбуот хизмати

Жараён

Депутатлик гуруҳларида

Сайловчилар ишончини қозониш, уларнинг дарди, ташвиши билан яшаш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда ташаббускор бўлиш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларни жамиятда кечаётган янгиланиш жараёнларидан мунтазам бохабар қилиб бориш қайси сиёсий партиядан сайланган бўлмасин Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар зиммасидаги масъулиятли вазифалардир. Айниқса, мамлакатимизда кечаётган ҳозирги сиёсий модернизациялошув доврида улардан янада ташаббускор ва ҳозиржавоб бўлиш, депутатлик гуруҳларида шахсий намуна кўрсатиш талаб этилмоқда.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

депутатлик гуруҳлари фаолиятининг асоси демакдир

Ўзбекистон «Адолат» СДПдан Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайланган депутатлар орасида ўз сайловчилари ишончини оқлаётган, партия электорати манфаатлари йўлида жонбозлик кўрсатаётган депутатлар кўплаб топилди. Буни биргина халқ депутатлари Андижон вилоят ва туманлар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Депутатлар ўз фаолияти давомида жамиятдаги янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини оммага тарғиб этиш билан кифояланиб қолаётгани йўқ.

Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган 51 нафар маҳаллий Кенгаш депутатларини ўз атрофида бирлаштирган депутатлик гуруҳларининг ўтган ярим йиллик фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, улар томонидан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, sanoat маҳсулотлари йиллаб чиқаришни кўпайтириш, коммунал хизмат кўрсатиш аҳолини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Вилоят Кенгаши сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишларида юқоридаги масалалар юзасидан қатор таклифлар киритилди. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари кун тартибига аҳоли бандлигини таъминлаш ва «Мустақам оила йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни жойларда бажарилишига оид таклифлар киритилди.

— Ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари, Муҳиддин Мирзаев. — Шу боис биз жойларда битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлаш юзасидан тузилган уч томонлама шартномаларнинг ҳаққонийлигини ўргандик. Ўрганишлар жараёнида муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Шунингдек, Пахтабод, Избоскан, Олтинқул, Асака ва Марҳамат туманларидаги касб-хунар коллежларидаги таълим-тарбия ишлари депутатларимиз томонидан чуқур ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Вилоятда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳам депутатлар фаоллик кўрсатмоқда. Шахрихон туманида Ўзбекистон «Адолат» СДП Кенгаши ташаббуси билан 25 нафар аёлнинг хунар ўрганиб, усташонгирд йўналишида иш бошлагани, Андижон туманидаги Иқтисодий касб-хунар коллежиди 15 нафар битирувчи имтиёзли кредит маблағи ҳисобига ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўягани, Андижон шаҳридаги бир қатор маҳалаларда касаначилик асосида 30 нафар аёлнинг иш билан

таъминлангани, албатта, қувонарли. Бу ишларнинг ташаббускори эса партиядош депутатларимиздир.

— Бугунги кунда депутатлик гуруҳи ишини янгича, замонавий усуллар орқали ташкил қиламиз, — дейди халқ депутатлари Олтинқул тумани Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Фахриддин Парпиев. — Худудлардаги муаммолар масалаларни ҳал этишда жойлардаги партия фаоллари билан биргаликда ишлаш янги йўналиш. Бу, албатта, БПТлар ишининг жонлинишига ҳам олиб келмоқда.

Шу ўринда йилнинг ўтган даври мобайнида партия фаоллари ва депутатлик гуруҳлари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ижросини таъминлаш билан боғлиқ 30 дан ортиқ давра суҳбатлари, тадбирлар ўтказилганлигини ҳам айтиб ўтмоқ лозим. Қолаверса, «Мустақам оила йили» Давлат дастури доирасидаги вазифалар ижросига қаратилган тадбирлар ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Аҳоли билан алоқани янада мустақамлаш, туман Кенгаши қошидаги жамоатчилик назорати гуруҳига фуқаролардан келиб тушаётган озғак ва ёзма мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, уларга ечим топиш, партия сафларига юрт тараққиёти учун қурашга бел боғлаган янги аъзоларни жалб қилиш депутатларимизнинг кундалик юмушига айланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳаллий Кенгаш депутатларимиз фаолиятида эътиборга молик жиҳатлар билан бир қаторда хали бажаришлари лозим бўлган ишлар ҳам талайгина. Жумладан, баъзи чекка кишлоқларда ҳамон айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини назорати тўла йўлга қўйилганича йўқ. Одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида баъзи депутатларимиз ўз сайловчилари орасида камдан-кам бўлишарди. Жамиятда кечаётган сиёсий ва ижтимоий янгиланишлар тарғиботида суҳбатчилик ҳоллари сезилмоқда. Жойларда фуқароларнинг айрим масалаларда қилаётган мурожаатлари ечимида депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳаммаси ҳам фаоллик кўрсатапти, дея оқламаймиз. Холбуки, бугунги кун партияимиз дастурида белгиланган вазифаларни аҳоли онига янада чуқурроқ сингдириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришни талаб қилмоқда. Демак, партияимиз электорати манфаатидан келиб чиққан ҳолда сайловчилар ишончини тўла оқлаш йўлида депутатлар ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни сидқиқидан адо этишлари лозим. Зеро, сайловчилар қуруқ ваъдаларга эмас, амалий ишларга баҳо беради.

Ўзбекистон «Адолат» СДП, Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Наслчилик: ютуқ ва муаммолар

Давом. Боши 1-бетда

Ана шуларни ўйлаганда беихтиёр давлатимиз раҳбарининг 2006 йилнинг 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлариди рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йилнинг 21 апрелидаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлариди чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ёдга тушади.

Мазкур тарихий ҳужжатлар мамлакатимиз чорвачилигини ҳар томонлама ривожлантириш учун мустақам замин яратди. Худудларда кўплаг қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди. Яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар туфайли аҳоли хонадонларидаги қорамоллар бош сони сезиларли даражада кўпайди, улардан олинаётган чорвачилик маҳсулотлари ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Натижада бугунги кунда барча тоифадаги хўжаликларда қорамоллар бош сони 9 млн. 679 минг, шу жумладан, ситирлар бош сони эса 3 887 500 тани ташкил этмоқда.

Чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда наслчилик ишларининг аҳамияти катта. Республикада ушбу ишларнинг асосий йўналиши табиий иқлим шароитига мос бўлган янги фойдали генетик белгиларга эга бўлган хайвонлар етиштиришга қаратилган бўлиб, мавжуд чорва молларини насл сифатларини ошириш, зотларини такомиллаштириш, наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, тақдор кўпайтириш, селекция ишида жаҳон генотипидан самарали фойдаланиш, подаларда

сермаҳсул хайвонларни жадал кўпайтириш ҳамда чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган.

Республика табиий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қишлоқ хўжалиги хайвонларини зотлари бўйича урчиштириш, районлаштирилган чора-тадбирлар режаси асосида амалий ишлар олиб борилмоқда. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, чорвачиликнинг барча йўналишларида ҳозирги кунда жами 475 та наслчилик субъектида селекция-наслчилик ишлари юритилмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда «Насл-хизмат» уюшмалари, «Ўзнаслчилик» корхонаси ва уларнинг худудий бўлинмалари, «Чорва-насл-хизмат» МЧЖ, шунингдек, туманларда жами 20 та наслчилик ишлари бўйича хизмат кўрсатувчи корхоналар ташкил этилган.

Республикадаги мавжуд қорамоллар насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида Беларуссия, Украина, Польша, Германия, Голландия, АҚШ ва Исроил давлатларидан наслли маҳсулотлар келтириш мақсадида халқаро шартномалар ва битимлар асосида алоқалар ўрнатилиб, охириги беш йил давомида жами 23 244 бош насли қорамол келтирилган.

«Ўзнаслчилик» корхонаси томонидан молиявий кредитлар ҳисобидан насли хайвонлар генотипини ташкил қилиш, янгилаб туриш, наслдор букалар уруғларини сақлаш замонавий ускуналари харид қилинган, охириги 3 йилда четдан 65 бош наслдор букалар, 444 минг 300 доза наслдор букаларнинг музлатилган уруғлари олиб келиниб, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер



хўжаликлариди уларга она молларни суний уруғлантириш эвазига насл яхшиланишига эришилмоқда.

Мамлакатимизда жами 2596 та зооветеринария шохбачалари ташкил этилиб, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига сервис хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Наслчилик ишларининг самарадорлиги молларнинг наслдорлиги яхшиланиши ҳисобидан улар маҳсулдорлигининг ортиши, насли маҳсулот кўпайиши, ихтисослашган хўжаликлар иқтисодий барқарорлигининг мустақамланиши даражаси билан баҳоланади.

Яқинда Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 17, 18 ҳамда 19-моддалари талабларининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ижро этилиши ҳақидаги назорат-таҳлил фаолияти янги йўналишга муҳкам этилгани ҳам бежиз эмас. Унда депутатлар томонидан бу борада тармоқнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори бўлиши, «Наслчилик тўғрисида»ги амалдаги Қонунда чорвачилик субъектлари, давлат муоассасалари ва нодавлат но-тироқ ташкилотлар орасидаги муносабатларни тартиб-

га солиш, тармоққа оид Давлат дастурларини шакллантириш механизми, наслчилик ишларини рағбатлантириш каби масалалар тўлиқ очиб берилиши лозимлиги таъкидланди. Чунки Қонундаги ушбу масалаларни белгилловчи айрим нормалар ўз вақтида ижро этилмади қилиши натижада насли маҳсулот сифатини назорат этиш, уни мажбурий сертификатлаш, хайвонларни идентификациялаш, наслчилик ишлари субъектларининг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлиги каби ҳуқуқий нормалар тўлиқ ишламаслигига олиб келмоқда, соҳа жадал ривожланишини таъминлашда тўқинликларни келтириб чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, бугун илмий-тадқиқот марказлари ва институтларининг салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаётгани, «Наслчилик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган наслчилик-селекция марказлари, наслчилик иммуногенетик назорат лабораториялари, наслчилик назорат синов станциялари, эмбрионларни трансплантация қилиш марказлари, ноёб ва йўқолиб бораётган хайвонларнинг Генотип марказлари ташкил этилмаганлиги каби ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Демак, насли маҳсулотларни сертификациялаш тизими мавжуд

бўлмаган бир пайтда Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг чорвачилик йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлари бундай ишларни ўз зиммаларига олишлари фойдадан холи бўлмасди.

Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида қабул қилинган Қоррада чорвачилик соҳасидаги наслчиликни тизимли юритиш ва мамлакат чорвачилигини барқарор ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга оид қатор амалий тавсиялар ўз асосини топти. Шу ўринда наслчиликни ривожлантириш масаласи Ўзбекистон «Адолат» СДП ғояларига ҳам ҳамоҳангдир. Партияимизнинг Сайловолди дастурида ҳам қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш устувор вазифалардан ҳисобланиши эътироф этилган.

Алишер АКРОМОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Натижани жозибадор ғоялар беради

ХДП эса бунинг аксини талаб қилапти

Партияларо баҳс

...Таниқли адабиётшунос олимлардан бири билан инновация, мўқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари хусусида гурунглашиб қолдик.

— Дунёнинг илғор давлатларида буларга эътибор ўттиз-қирқ йил бурун бошланган экан-а, ўғлим, — деб қолди домла ҳаяжон билан. — Неварам интернетни кавлаб, бир олам материал қолаштириб ташлаганидан сўнггина бундан хабардор бўлдим.

Домлани юпатган бўлдим: — Ҳечқиси йўқ, устоз, яхши от кейин қолади.

Соҳларига оқ тушган профессор астойдил ният қилди: — Илоё, илоё.

Дарҳақиқат, дунё тараққиёти ҳеч қачон бир жойда туриб қолмайди: у жўшқин дарё мижазатлари ечимида депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳаммаси ҳам фаоллик кўрсатапти, дея оқламаймиз. Холбуки, бугунги кун партияимиз дастурида белгиланган вазифаларни аҳоли онига янада чуқурроқ сингдириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришни талаб қилмоқда. Демак, партияимиз электорати манфаатидан келиб чиққан ҳолда сайловчилар ишончини тўла оқлаш йўлида депутатлар ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни сидқиқидан адо этишлари лозим. Зеро, сайловчилар қуруқ ваъдаларга эмас, амалий ишларга баҳо беради.

Хаммамизга яхши маълум, Ватанимизда олиб борилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб ҳаётимизда сиёсий партияларнинг ўрни ва таъсири тобора ошиб бораёпти. Партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаолиятини оширишда, уларнинг хоши-иродаси ва фикрини ифодалашда, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти

органини шакллантиришда муҳим таъсир ўтказувчи воситага, сиёсий кучга айланмоқда. Айни пайтда давлат бошқарувини янгилаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада ортди. Энг асосийси эса партиялар Ватан тараққиёти, юрт истиқболи каби улуғвор, фақат электоратининг эмас, бутун халқнинг эртанги кунини белгилаб берадиган қўламли ғоялар билан майдонга чиқа бошладилар. Асосий шиори Эркинлик, Адолатлик, Бирдамлик бўлган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мана шундай йўл тутмоқда. Бироқ мамлакатимизда энг йирик ва таърибали партиялардан бири — Халқ демократик партияси рақобатчи партия илгари сураётган амалий ғояларни кўриб-кўрмасликка, уни инкор этишга уринаётгани, бу ҳам бўлса сўл қанотга мансуб бўлган ушбу сиёсий партиянинг ҳануз эскича фикрлаётганидан далолат беради.

Айниқса, ХДП нашрида мўқобил энергияни ривожлантиришга оид «Адолат» СДПнинг амалий саъй-ҳаракатларини инкор этувчи мақолаларнинг кетма-кет, изчиллик билан чоп этилаётгани фикримизнинг яққол исботидир. Ваҳоланки, мўқобил энергияни ривожлантириш масаласи бутун дунёда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Келинг, фикримизни бир неча мисол воситасида далиллашга уриниб кўрайлик. Ўзбекистонни бежиз «қуёшли юрт» дейишмайди. Ватанимизда йилнинг 300 кунда қуёш чарқлаб туради! Бу эса, агар таққослайдиган бўлсак, қуёшли кунларимиз Япониядек кунчиқар юртга нисбатан икки баробар кўп демакдир! Шўро давридагидек, бориға қаноат қилган ҳолда, бўзга ёлчмаган бўзчи мақомида ўтириш бизга ярашмайди. Ахир саҳий қуёш нурлари она заминимиздан яна кезиксиз қанотга қайтиб кетишини мактаб ўқувчиси ҳам билади-ку. Демак, бошимизга ёғилиб турган мана шу мўл-қўл неъматдан фойдаланишимиз керак эмасми? Ахир бугунги кунда йилнинг ярми мобайнида осмонда қуёш кўринмайди Европа давлатларининг хаттоки айрим шаҳарларидаги кўп қаватли уйлар тепасида ҳам қуёш батареялари ўрнатилмоқда-ку. Тежамкор европаликлар бу ишга бежиз киришишмади. Кўп йиллар мобайнида айрим олимлар «Қуёш битмас-туганмас энергия манбаи. Аммо унинг нурларидан электр энергияси олиш қимматга тушади-да», деб юришганди. Машҳум Чернобыль фожиасидан сўнг

бу масалага бутунлай бошқача нигоҳ билан қарала бошланди. Ва маълум бўлдики, битта атом электр станцияси қуриш учун бугунги кунга келиб камида 10 миллиард доллар сарфланаркан (2002 йилда бу кўрсаткич 3 миллиард долларга тенг бўлган). Калифорния университет олимлари бир киловатт қуёш энергияси таннарихи 16 центга етарлиган қурилма ишлаб чиқдилар. Бу эса АЭС ишлаб чиқарадиган электр энергиясига нисбатан анча арзон.

Умуман, яна бир неча ўн йилдан сўнг энергетик кризис содир бўлиши башорат қилинаётган жаҳонда қайта тикланувчи энергия манбаларига халоскор омил сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Тасаввур этинг, фақат 2010 йилнинг ўзида дунё бўйича қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга 211 миллиард АҚШ доллари микдорига маблағ сарфланди. Бу маблағнинг 94,7 миллиарди шомол энергетикасига, 26,1 миллиарди қуёш энергетикасига, 11 миллиарди эса биомасса ва чиқиндидан энергия ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Асосий инвесторлар кимлар? Бу — АҚШ. Бу — Хитой. Бу — Ҳиндистон...

Замон нафаси ва талабини илгаб олган «Адолат» СДП 2009 йилнинг 5 ноябрида ўтган Қурултойида қабул қилган сайловолди дастурида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда миллий инновация тизимини ишлаб чиқишни фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этганди.

Ушбу қайднинг қоғозга туширилишига «Ўзбекистон овози» газетасининг 3 июль сонидида эълон қилинган «Ғоялар жозибадор, натижадан эса...» номли мақоласи сабаб бўлди. Муаллиф мазкур мақоласида «адолат»чиларнинг мўқобил ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги ғояларини таъкидлаган ҳолда, тўсатдан «амалий ишнинг ўзи йўқ» деган галати хулосага келади.

Ўтган қисқа фурсат ичида «Адолат» СДП мазкур ғоясини амалга ошириш йўлида жуда катта ишларни ҳаётга таъбиқ этди. Эришилган ютуқларнинг айримларини санаб ўтишнинг ўзидек мақоламиз ҳажминини учтўрт баробарга ошириб юборган бўларди. Билмадик, уларни кўрмаслик ёки рад этиш учун киши нима қилиши керак?.. Демак, она юртимиз ҚТЭМ ривожланиши бўйича жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари билан беллаша оладиган кунлар яқин. Шу сабабли айтмоқчи бўлган асосий мулоҳазамизга қайтмоқчимиз. Жозибадор ғоялардан фавқулодда қўламли натижалар пайдо бўлади. «Адолат» СДПнинг ҚТЭМ ва инновация тизими борасидаги ғоялари ҳам ўз жозибадорлиги билан ажралаб туради. Натижалар эса аста-секинлик билан юз кўрсатмоқда. Энг муҳими, бу ғоялар бутун халқимиз манфаатига, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади. Биз учун муҳими — шу.

Қаҳрамон ҚҲЛДОШЕВ

Тадбиркорлик ривожини — юртимиз тараққиёти гарови

Давом. Боши 1-бетда

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг қўламадаги кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими яратилди.

Жумладан, ушбу фармонга мувофиқ:

— хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда юридик шахслардан олинмайдиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, бир қанча солиқ ва мажбурий ажратмалар тўлашда мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўлашга ҳақлиқлар;

— қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқари зарур ташки муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши кўрсатилган.

Ушбу фармоннинг тадбиркорлик субъектлари учун энг аҳамиятли жойи шундаки, мазкур Фармонда кўрсатилган имтиёзлар 2012 йилнинг дўқинчи чорағидан бошлаб

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти истисно этилган ҳолда, республиканинг барча минтақаларида жойлаштирилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга ҳам татбиқ этилиши белгиланди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорлик учун янада кенг имтиёз ва қулай муҳит яратилганини, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими кучайтирилганини аниқлатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида 2012 йил 2 май куни "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилингани эса тадбиркорлик учун янада кенг имтиёз ва қулай муҳит яратишга, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонуннинг эски таҳрирдаги Қонундан бир қатор фарқли ва аҳамиятли томонлари бор.

Энг аввало, мазкур қонунда Тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги деб номланган янги норма (11-модда) киритилди. Унга асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фойдасига талқин этилиши белгиланди.

Шунингдек, кичик бизнес соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини турли хил инсофсиз рақобатдан ҳимоя қилиш мақсадида Инсофсиз рақобатга йўл қўйилмаслиги (12-модда) деб номланган янги норма киритилди. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари бўлган рақобатчиларга зарар етказадиган ёки зарар етказ



зиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлиги обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Янги таҳрирдаги Қонунда тадбиркорларга энгилликлар яратиш ва уларнинг ортқича овозгарчилигини олдини олиш мақсадида ҳисоботларнинг электрон шаклда тайёрланиши ва топширилиши бўйича янги норма киритилди.

Қабул қилинган мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тадбиркорликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий механизми яратилиши масаланинг бир томони бўлса, уни амалиётга тўғри самарали жорий этиш иккинчи муҳим томони ҳисобланади.

Бу эса барча давлат идоралари қатори адиля органларига ҳам қатъий маъсулият юклайди. Шу муносабат билан Бухоро вилоят адиля бошқармаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини бузилиш ҳолатларига чек қўйиш, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ахшиллаш, соҳага оид норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида жойларда доимий тарзда ўрганиш ишлари, шунингдек, тарғибот тадбирларини ҳам олиб бормоқда.

Хусусан, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда 2012 йилнинг ўтган даври давомида ишларда юзга яқин тарғибот ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга, адиля бошқармасига тадбиркорлик субъектлари томонидан беганлик ариза ва шикоятларини ҳамда "Ишонч телефони" орқали қилинган мурожаатларнинг 38,8 фоизи қаноатлантирилган.

Адиля бошқармаси томонидан назорат қилувчи ва давлат бошқаруви органларини тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларининг олдини олиш мақсадида уларнинг фаолияти мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда. Хусусан, ўтказилган ўрганишлар давомида улар фаолиятида мингга яқин турли қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланган.

Ўтказилган ўрганишлар ва мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш юзасидан жами 49 та тақдимнома, 103 та огоҳнома, 19 та кўрсатмалар киритилди. Қўрилган чоралар натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаган давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг 3 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди, адиля бошқармасининг тақлифларига асосан 11 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка, 19 нафар шахс эса интизомий жазо чораларига тортилди.

Таъкидлаш керакки, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятига нисбатан ҳар қандай тўсиқ ва фовларни бартараф этишда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш, уларнинг ижросини тўлиқ ва бир хилда таъминлаш адиля органларининг доимий вазифаси бўлиб қолади.

Қолаверса, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, бу йўналишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаган ҳолда амалда тўлиқ ва бир хилда ижросини ташкил этиш — барча давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчи бўлиши шарт.

Анвар РЎЗИЕВ,
Бухоро вилоят адиля бошқармаси бошқари биринчи ўринбосари

Ўз-ўзини танқид

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ўз-ўзидан бўлиб, бунда сиёсий партиялар муҳим ўрин тутати. Сиёсий куч илгари сураётган ғоя ва мақсадларни тарғиб қилиш ва ана шу ғоялар атрофида масалаларни бирлаштириш эса партия аъзолари зиммасига улкан маъсулият юклайди.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг маҳаллий Кенгашлари ҳам зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажариш йўлида фаолият олиб бормоқдалар.

Камчиликларни тўғри англаш

келгусидаги ютуқлар салмоғини оширади

Хусусан, партиянинг Сирдарё вилояти Кенгаши фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, вилоятда сўнгги ойлар мобайнида «Адолат» СДП аъзолари сони 4600 нафардан 5273 нафарга кўпайганини илгаш мумкин. Бошлангич партия ташкилотлари сони ҳам 64 тадан 125 тага кўпайгани, ярим йиллик аъзолик бадаллари тўлови ортиги билан урдадан ҳам қувонарли, албатта. Шунингдек, партия дастурий ғоялари тарғиботида қаратилган тадбирлар белгиланган режа асосида ўтказилиб борилаётган.

Жорий йилнинг ўтган ярми мобайнида партиянинг вилоят Кенгаши ташаббуси билан депутатлик гуруҳлари фаолияти ва ўтказилган тадбирлар тўғрисида ОАВларда 30 дан ортик чиқишлар ташкил этилди. Жойларда «Мустақкам оила йили» Давлат дастури ижросига бағишлаб «Оила — муқаддас кўрғон», «Оила фаровонлиги — халқ фаровонлиги», «Мустақкам оила — юрт таянчи» каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, яқин кунларда «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Энг намунали оила» танловини ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

Бироқ вилоят партия Кенгашининг айрим бўғинлари фаолиятида кўзга ташланаётган камчилик ва нуқсонлар ижобий ютуқлар салмоғига соя солаётгани ҳам бор гап. Айниқса, давлат дастурлари ижросини таъминлашда жойлардаги депутатларнинг, депутатлик гуруҳларининг фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайти. Бунга мисол тариқасида Ширин шаҳар ҳамда Сардоба ва Боёвот туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кўрсатиш мумкин.

Маълумки, ҳар бир сайлов округи муайян маҳаллалардан ташкил топган ва шу боис депутат ўз сайлов округида тўғридан-тўғри маҳалла райони ва фуқаролар йиғини билан ишлаши керак. Аммо Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгашининг айрим маҳаллий депутатлари фаолиятида изчиллик, шижоат, маъсулият етишмаётганлиги, депутатлик вазифасига лояллик билан қараётганликларига ҳам кўз юмиб бўлмайти. Айниқса, фуқароларнинг

Ўзбекистон «Адолат» СДП,
Сирдарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Акциядорлик жамиятлари

ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг айрим хусусиятлари

Ҳимоя

Мамлакатимизда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий кафолати ҳисобланиб, мазкур талабларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик муайян юридик оқибатларни келтириб чиқаради. Қуйида акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ айрим масалаларни суд амалиётига бевоқифа бағлаш ҳолда таҳлил этамиз.

Маълумки, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 56-моддасига кўра, дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан ошмаслиги лозим.

Маъсулияти чекланган жамият ҳўжалик судига даъво ариза билан мурожаат этиб, акциядорлик жамияти ҳисобидан 10,8 миллион сўм дивидендди ундиришни сўраган.

Иш ҳолатларига кўра, МЧЖ АЖнинг акциядори бўлиб, МЧЖ 14,198 донга акцияга эгалик қилган. Муайян давр учун ҳисобланган 10,8 миллион сўмлик дивидендлар АЖ томонидан МЧЖга тўланмаган. Дивидендларни тўлаш юзасидан даъвогар томонидан билдирилган оғохлантиришлар оқибатсиз қолдирилган. Натижада умумий қарздорлик 10,8 миллион сўмни ташкил қилган ва бу тарафлар ўртасида тузилган солиштирма далолатнома билан тасдиқланган.

Бу билан АЖ томонидан Қонуннинг 56-моддаси талаблари бузилиб, эълон қилинган дивидендлар белгиланган муддатда тўланиши таъминланма-

ган. АЖ қонунга асосан ўз мажбуриятини бажармаганлиги сабабли даъвогар уни бажаришни суд орқали талаб қилган. Шу сабабли ҳўжалик суди даввони қаноатлантириш ҳақида хал қилув қарори қабул қилиб, акциядорнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаган.

Даъвогар инвестиция фонди ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ОАЖдан 3.498.842 сўм дивиденд пулини ва 816.936 сўм пеняни ундириб беришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқлаштиришча, акциядорлик жамияти умумий йиғилиши йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендларни эълон қилган. Унга кўра инвестиция фондида 3,5 миллион сўм дивиденд тўлаш белгиланган. Бироқ тўланиши лозим бўлган дивиденд тўланмаган. Шу боис даъвогар судга мурожаат қилиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига асосланиб жавобгардан 3,5 миллион сўм дивиденд пули ва дивиденд тўловини кечиктирилганлик учун 816.936 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ҳўжалик суди иш ҳолатларидан келиб чиқиб даъвони қаноатлантирган ва акциядор-

нинг бузилган ҳуқуқларини тиклаган.

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозори тўғрисида қонун ҳужжатларининг бузилишига оид ишларни кўриб чиқиш Комиссиясининг йиғилишида жамият томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда акциядорларнинг умумий йиғилишлари 60 фоиздан ортик овозга эга акциялар тўпланганлиги тўғрисида атайин нотўғри маълумотлар тақдим қилиш йўли билан инвесторлар ва давлат назорати органларини чағитишга йўл қўйилганлиги, жамият акциядорлар реестрида ширкат ҳўжалиги депо ҳисобига номинал қиймати 1.000 сўмдан бўлган 800 донга 800.000 сўмлик оддий акциялар жойлаштирилган бўлса-да, акциядорлар реестрида ширкат ҳўжалиги ҳисобига қўшимча 1.700 донга 1,7 миллион сўмлик оддий акциялар топшириқномаларсиз ўтказиб юборилганлиги, жамият акциядорига депо ҳисобига ҳўжжасида 1.500 донга 1,5 миллион сўм акцияларга ҳисобланган дивидендлар тўланмаган бўлса-да, 2-ЦБ ҳисоботларда ушбу дивидендлар тўлиқ тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар тақдим қилинганлиги, акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланмаган аудиторлик ташкилоидий томонидан аудиторлик текшируви ўтказилганлиги, жамият Низом жамғармасига 72.893 донга 72.893,0 минг сўмлик оддий акциялар чиқарилган бўлса-да, бошқармага тақдим қилинган акциядорлар реестрида 73.069 донга 73.069,0 минг сўмлик (176 донга кўп) оддий акциялар акциядорлар ўртасида жойлаштирилганлиги, 2-ЦБ ҳисоботи биринчи қисмининг 11-банди талабларига зид равишда қузатув кенгаши аъзоси акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бўлса-да, жамият қузатув кенгаши аъзолари рўйхати киритилмасдан маълумот берилганлиги умумий



йиғилиш натижаси бўйича санақ комиссиясининг баённомасида аниқланган.

"Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 55-моддасининг 4-хатбошига кўра, инвесторлар, текширувчи органлар ва назорат қилувчи органларнинг атайин нотўғри маълумотлар тарқатиш (тақдим этиш) орқали чағитилганлик учун — энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда иқтисодий санкциялар қўлланилади. Шу боис ҳўжалик суди даъвони қаноатлантириб, ОАЖга нисбатан иқтисодий санкция қўллаган.

Бундан кўринадики, жамиятнинг маъсул мансабдор шахслари томонидан ўз зиммаларига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида жамиятга муайян миқдорда моддий зарар етган.

Суд томонидан қўлланилган иқтисодий жарима том маънода акциядорлик жамияти айрим маъсул мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари сабабли жамиятга, акциядорларга етган

моддий зарар демакдир. Бу каби ҳолатлар йил якуни бўйича тўланиши лозим бўлган дивидендлар миқдорининг камайишига олиб келиши табиий ҳолдир. Шу боис "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 88-моддаси бешинчи қисмига кўра, жамият ёки у жойлаштирган оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга даъво қилиб қузатув кенгаши аъзоси, яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзоси, шунингдек, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли эканликларига эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

А.ЭРДОНОВ,
Р.РАШИДОВ,
Тошкент вилоят ҳўжалик судининг судьялари

Байрамга бағишланган кўргазма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими кўргазмалар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамга бағишланган Оролбўйи мусавирлари асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда танқили мўйқолак усталари билан бир қаторда ёш rassomларнинг асарлари ҳам намойиш этилмоқда.

Бунёдкор халқимизнинг улғувор ишлари, тонг нафаси, алвон шафқат, рангин либосга бурканган табиат мусавирга мўйқолак тутказди. Воқеликнинг рангоранг бўёқларида ифодаланиши эса томошанини ўзга бир олам сари етаклайди...

— Юртимиз ва жаҳон классик мусавирларининг асарлари инсониятнинг бой меросига айланган, — дейди танқили rassom Ибрагим Жўлиметов. — Бугунги ёш rassomлар улар ижодини ўрганиб, мамлакатимизда амалга ошириладиган улкан ишларни, юртимиз манзараларини жонли равларда ифодалашга ҳаракат қилмоқда. Бунга "Келажак овози — 2012" кўрик-танло-

ви голиби Саламат Давлетов ва Байрам Нуриметов каби иқтидорли ёшларнинг асарлари ёрқин мисол бўла олади.

Байрам Нуриметовнинг "Оролнинг тўлиши" картинаси табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни асрашга чақиради.

Нигоҳ

Интернет:

ижобий ва салбий кураш майдони


Давра сўхбати

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ташаббуси билан «Глобаллашув жараёнларида интернет тизимининг ўрни: салбий ва ижобий жиҳатлари» мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди. Тадбирда «Адолат» СДП «Ёшлар қаноти» фаоллари, ФЖШМҚМИ мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

— Бугунги глобаллашув шароитида ёшлар маънавиятини ёт гоёлардан асраш, улар онгида тарихий анъаналар, миллий қадриятларимизга асосланган мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш долзарб вазифа. Давра сўхбатида ёшлар билан маънавий таҳдидлар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари (интернет, чет эл оммавий ахборот воситалари, уяли алоқа ва бошқа воситалар орқали) ҳамда ушбу таҳдидларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш борасида ўзаро фикр алмашиш ниятида, — деди Олий Мажлис депутати К.Ҳамидова.

Замонавий ахборот технологияларининг инсоният учун фойдали томонлари жуда кўп. Айтиш жоизки, ёшларнинг интернет сайтлари имкониятларидан мақсадли — таълим олиш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, тил ўрганиш учун фойдаланиши жуда яхши. Аммо бунинг учун ёшларда интернет сайтларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, уларнинг онгида маънавий тарбия ва иммунитетни

ривожлантириш лозим. Шу билан бирга, оилада ота-она фарзандларига бу борада масъул, ака-опалар кичик укасингилларига интернет билан мулоқот қилишда кўмак бериб, йўл-йўриқ кўрсатишлари, фойдали сайтлар рўйхатини тузишда маслаҳат беришлари талаб этилади. Бироқ айни чоғда мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солувчи янги мисли кўрилмаган хатарлар ҳам пайдо бўлмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда халқаро интернет тармоғида 4,2 миллионга яқин порнография, инсон ва жамият тинчлиги учун хавфли маълумотлар: инсонларни ўз жонига қасд қилишга ундовчи, динни ниқоб қилиб терроризм ва ақидапарастлик гоёларидан иборат ахборот оқими орқали ёшларимизни йўлдан оғдиртиш, азалий қадриятларимизга нисбатан ишончсизлик уйғотиш, ахлоқсизлик уруғларини ёйишда интернет имкониятларидан фойдаланиш ҳоллари авж олмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кун авлодини турли ёт гоёлар, мамлакатимизга хос бўлмаган «оммавий маданият» деб ном олган иллатдан



асраш, унга қарши курашишнинг ҳам замонавий, ҳам мафкуравий усулларини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлмоқда. Юртимизда бу каби иллатларга қарши курашиш учун «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши, қатор қонунлар жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш» бандида бир қатор бажарилиши лозим бўлган ус-

тувор вазифалар белгиланган бўлиб, улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Интернет тизимида ахборот хавфсизлиги долзарб ва мураккаб масала бўлиб, унинг самарали ҳал этилиши нафақат ахборот хавфсизлигини таъминлайди, балки Ўзбекистон миллий хавфсизлигини ҳам мустаҳкамлайди. Тадбирда инсон, жамиятни ёт мафкуравий ахборотдан ҳимоялаш, маънавий йўлдан чиқариш, миллий қадриятлар, ватанпарварлик ва инсонийлик туйғуларини мустаҳкамлаш, маданий, миллий ва илмий салоҳиятини ошириш, замонавий, тезкор, холис ахборот майдонини яра-

тиш бугунги даврнинг асосий вазифаси эканлиги таъкидланди.

Давра сўхбати сўнггида маънавий таҳдидлар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари оид видеоролик намойиш қилиниб, йигилганлар мавзуда доир ўзларини кизиқтирган саволларга «Адолат» СДП масъул ходимлари, ФЖШМҚМИ мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан атрафлича жавоб олишди.

Феруз Жўраев,
«Adolat» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

Ногиронлар жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоларидир. Юртимизда уларнинг яшаш, меҳнат қилиши учун етарли ҳуқуқий база яратилган, улар доимо давлат эътиборида. Бу борада Гулистон туманлараро тиббий меҳнат экспертиза комиссияси ҳам бир қанча ибратли ва хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Ислохотлар самараси

Ўзбекистон Республикаси «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий қўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотиши даражасини аниқлашга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари мазкур соҳадаги фаолиятни янада изчиллик билан олиб боришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Меҳнат фаолияти билан боғлиқ тушунтиришлар туфайли жорий йилнинг ўтган 4 ойда худудимизда истиқомат қилиб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимидан пенсия ва нафақа олиб келаётган ногиронларни қайта тиббий қўриқдан ўтказиш жараёнида

257 нафар ногироннинг саломатлиги яхшилانганлиги ва меҳнатга лаёқати тикланганлигини инobatга олинган ҳолда ногиронлик гуруҳлари бекор қилиниб, ишга йўланма берилди. 70 нафар фуқаронинг ногиронлик гуруҳи энгиллаштирилди.

Тиббиёт бирлашмалари, пенсия жамғармалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан олиб бориладиган ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Ногирон деб топиладиган шахсларга тиббий-ижтимоий, касб-хунарга тавсиялар ўз вақтида белгиланмоқда. Тизимда ислохотлар туфайли ТМЭКнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, «Дамас» автомашинаси ва компьютер билан таъминланди. Бундай қулай шарт-шароитларнинг яратилиши ТМЭКлардаги иш сифатини янада яхшиламоқда.

Фотима ҲАСАНОВА,
Гулистон туманлараро 72-сонли
ТМЭК аъзоси

ОЛОВ — дўст, — душман

Огоҳлик

Халқимизнинг бу хикмати бежиз айтилмаган. Чунки оловдан тўғри фойдаланилса, у бизга дўстдек беминнат хизмат қилади. Бордию, салгина тизгиндан чиқарилса ёки ундан нотўғри фойдаланилса, катта зарар ва ғам-ташвиш олиб келади.

Айнан ўзимизнинг оловдан фойдаланишидаги бепарволигимиз, лоқайдлигимиз сабабли юзага келаётган ёнгинлар эса уйимизда, корхона-ташкilot биноларида катта талафотларга, йўқотишларга, кишиларнинг жароҳатланишига ва ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келаётгани ҳам сир эмас. Муассасаларда, ўқув ва даволанган масканларида, айниқса, турар-жой биноларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, бу масалага панжа орасидан қараш содир бўлаётган ёнгинларнинг асосий сабабчиси бўлаётди. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг бу борадаги кўрсатмаларига амал қилмаслик, катталарнинг масъулиятни унутиб қўйишлари, болаларнинг ўт билан ўйнашлари натижасида ҳам кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқаётди.

Ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлгувчи ҳолатларнинг олдини олиш учун, энг асосийси, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, бу борада мутахассислар маслаҳатларига амал қилиш муҳим. Шу ўринда, ўзингиз ва яқинларингизнинг ҳаёти, уй-жойингиз ҳамда мол-мулкнинг ёнгинлардан асраш мақсадида қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

— ёнгиб турган газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг;

— уларни тунда ўчириб қўйишни унутманг;

— ўчоқларни ўт олдириш мақсадида бензин, керосин, солярка каби тез аланга олув-

чи воситалардан фойдаланманг;

— ясама ва носоз мосламаларни асло ишлатманг;

— газ мосламаларини резина шланг орқали улаб фойдаланманг, уларни ўрнатилиши фақат мутахассисларга ишониб топширинг;

— газни ёқишда, аввало, гурт чакчи, сўнг газ жўмрагини очинг;

— уйда газ ҳидини сезсангиз, электр асбоблари ва чирокларни ёқманг ва ўчирманг;

— уйда газ ҳиди сезилганда дарҳол оила аъзоларингизни ташқарига чиқариб, эшик ва деразаларни очиб шамоллатинг, қўшни борадонлардан газ идораларига хабар беринг;

— бир вақтнинг ўзида бир нечта маиший электр асбоб-анжомларини розеткага улаб фойдаланманг;

— электр симларини бурама ёки қаттиқ тортилган ҳолда ўтказманг;

— симларнинг узилган ва ишдан чиққан қисмларини тезда созланг ёки алмаштиринг;

— электр асбобларида носозлик сезсангиз, уларни дарҳол электр манбаидан узинг.

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилувчи барча фуқароларимиз бу офатдан сақланишларига, хонадонлари оловдан жабр кўрмай, ўзлари ҳам хотиржам бўлишларига, уйларидан кут-барак аримаслигига ишончлиги комил.

Ж. САТТОРОВ,
12-ХЕХО 1-ХЕХ инспектори,
кичик сержант

ОИЛА — барча эзгу ишларимиз давомчиси

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да: «Оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини янги босқичга кўтариш, соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қуриладиган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган ўстувор вазифа» эканлиги алоҳида ўқитиб ўтилган. Дарвоқе, баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим, ҳал қилувчи бўғини — оилага жиддий эътибор бериш ва уни ҳар тарафлама асраб-авайлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлом ҳамда мустаҳкам оила қуриш учун зарур шарт-шароитлар яратиш — бугунги куннинг энг ўстувор вазифаларидан биридир.



Шунинг учун ҳамки сўнгги йилларда мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш — жамият тараққиётининг асосий омил эканлиги қонуний ҳужжатларда, амалиётда ўз исботини топаётди. Оила ва никоҳ муносабатларининг такомиллашган қонуний базаси вужудга келди. Хотин-қизлар ва болалар манфаатлари ҳимоясига оид кўпдан-кўп чоралар кўрилди. Натижада истиқлол йиллари (1991-2010)да мамлакатимизда 4 миллиондан ортиқ янги оила ташкил топди. Биргина 2010 йилда бу кўрсаткич 283,3 мингдан зиёд-роқ бўлди.

Буларгина эмас, юртдошларимиз қалбига оиллага тааллуқли бой миллий ва маънавий қадриятлар уйғониб, оила ва никоҳнинг муқаддаслиги ёш авлод онгига чуқурроқ сингдирила бошланди. Шунингдек, оилаларда ҳуқуқий саводхонлик ошиб, туғилган муаммоларни кенг илмий нуктаи назардан ўрганиш ишларига киришилди, она-бола саломатли-

ги ҳамда аҳолига айрим оилавий масалаларда амалий ёрдам бериш кўникмалари анъанавий тус олди, оилада бола тарбияси, уларга психологик хизмат кўрсатиш, эрта никоҳнинг олдини олиш каби қатор масалаларда азалий қадриятлар сифатида ифода этилди. Хусусан, жорий йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши туфайли оилага ва унда тарбия топаётган фарзандларга, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ва келажига умумдаблал миқёсида янада кўпроқ эътибор қаратилди.

Кўз олдингизга келтиринг: оила ва ёшлар манфаатларининг қонун билан ҳимояланиши мамлакатимиз Конституциясида, Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодексларида азалий қадриятлар сифатида ифода этилди. Хусусан, жорий йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши туфайли оилага ва унда тарбия топаётган фарзандларга, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ва келажига умумдаблал миқёсида янада кўпроқ эътибор қаратилди.

Масалан, Бош қонунимизнинг «Оила» деб номланган XIV бобидаги тўртта модда оилавий муносабатларга бағишланган. 8 та бўлим, 30 та боб, 238 та моддадан иборат Оила кодексига ҳам оиланинг муқаддаслиги ва фарзанд тарбия-

си кенг маъно олиб, ёш авлоднинг жисмонан ва маънавий баркамоллиги таъминланишида ота-она ҳамда фарзандларга давлат томонидан ғамхўрлик хизмат кўрсатиш, эрта никоҳнинг олдини олиш каби қатор масалаларда азалий қадриятлар шул арқилиб таъминланади. Айни кезде оиланинг жамиятда тутган ўрни, унинг мустаҳкамлиги ва уларда вояга етиб келаётган ёш авлоднинг камоли каби жиҳатлар ҳам ўз аксини топган ЮНЕСКО ва ХМТ — Халқаро Меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари иштирокчиси бўлган Ўзбекистон тутган йўл халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда тан олинган асосий принциплари ва нормаларига асосланади.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштиришга қодир, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган маънавий етуқ ҳамда жисмоний баркамол ёшлар тарбиясининг мукамал тизимини шакллантириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда фаолият олиб бо-

раётган барча сиёсий кучлар қатори бу борада оилалар мустаҳкамлиги, ўсаятган фарзандларнинг шахс сифатида шаклланиши нуктаи назардан оила институтини ҳамда унинг қадриятларини тобора сайқалланиб бориши йўлида қатор амалий тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириб келмоқда. Республикаимиз вилоят ва туман партия Кенгашлари ташаббуси билан жойларда муваффақиятли тарзда ўтказилаётган «Оила — муқаддас қўрғон», «Ватан — оиладан бошланади», «Оилавий тадбиркорлик — жамият таянчи», «Оилада одоб ва иқтидор тарбияси» каби кўплаб тадбирлар фикримизнинг ёрқин тасдиғидир. Чунки партия ўз Ватанини севган ва унинг миллий маънавий қадриятлари ҳурмати жойига қўйгувчи оилаларни ҳуқуқий демократик давлат қуришга камол очиб фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги эзгу ишларимизнинг давомчиси деб билади.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштиришга қодир, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган маънавий етуқ ҳамда жисмоний баркамол ёшлар тарбиясининг мукамал тизимини шакллантириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда фаолият олиб бо-

раётган барча сиёсий кучлар қатори бу борада оилалар мустаҳкамлиги, ўсаятган фарзандларнинг шахс сифатида шаклланиши нуктаи назардан оила институтини ҳамда унинг қадриятларини тобора сайқалланиб бориши йўлида қатор амалий тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириб келмоқда. Республикаимиз вилоят ва туман партия Кенгашлари ташаббуси билан жойларда муваффақиятли тарзда ўтказилаётган «Оила — муқаддас қўрғон», «Ватан — оиладан бошланади», «Оилавий тадбиркорлик — жамият таянчи», «Оилада одоб ва иқтидор тарбияси» каби кўплаб тадбирлар фикримизнинг ёрқин тасдиғидир. Чунки партия ўз Ватанини севган ва унинг миллий маънавий қадриятлари ҳурмати жойига қўйгувчи оилаларни ҳуқуқий демократик давлат қуришга камол очиб фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги эзгу ишларимизнинг давомчиси деб билади.

Қамолитдин АЛИМХУҲАЕВ,
Тошкент давлат техника
университети талабаси



Концепция: устувор вазифалар

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёнида аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси билан яшаётгани, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани ҳамма-мизни қувонтиради, албатта. Аини пайтда одамларнинг ҳуқуқий онги ва моданиятини янада юксалтириш биз учун долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Чунки ҳуқуқий моданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлигини намойён этувчи воситадир.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш эҳтиёжи

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида демократик янги-ланганининг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири сифатида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш зарурати кўрсатиб берилганлиги беҳиз эмас. Зеро, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш ҳамда уни мустақамлашда суд ҳокимия-тининг аҳамияти жуда катта.

Шуни мамнуният билан қайд этишимиз мумкинки, давлатимизда ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Булар ўз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсирдан холи этиш имкониятини яратди.

Айни пайтда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини қўчайтириш, мажмур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилди. Айниқса, "Хабас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт-чораси сифатида қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилишининг аҳамияти жуда катта бўлди. Ишонч билан айтиш мумкинки, "Хабас корпус" институтининг амалиётга татбиқ этилиши юртимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда ўта муҳим омилга айланди.

Концепцияда суд ҳокимия-тининг нуфузини ошириш, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали таъминлаш мақса-латига алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумладан, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган лавозимдан чет-лаштириш ва шахсни тиббий

Асқарали УММАТАЛНОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Бўй туманлараро судини раиси

Арпа экиб, буғдой кутманг...

воёга етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик жиноятлари содир этилишининг олдини олиш — ҳаммамизнинг вазифамиз

Аср вабоси

Ёшлар миллат ва юрт истиқболини белгиловчи улкан кучдир. Келажак авлод ҳақида қўйғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаш, етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятларимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини оямайди. Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага мос аъналар, қадриятлар, урф-одатлар унинг феъл-атворини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

Ҳар бир фарзанд ўз илми, меҳнати, хулки-одоби билан мустақил республикамиз тағрифига, гуллаб-яшнашига ўз хиссасини қўшади. Лекин баъзи ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялашда маъсулиятини тўғри амалга ошира олмаганилиги ва ҳаётга тайёрламаганилиги туфайли меҳнатсиз ҳаёт кечирди. Бу эса, ўз навбатида, қонун талабларини бузиб, ноҳўя ҳаракатларни содир қилишга олиб келади.

Воёга етмаганларни тарбиялаш, илм олишлари имконият яратиш каби жуда муҳим ва мураккаб вазифани ота-оналар ўқитувчилари билан яқиндан алоқада бўлиб, амалга оширишлари лозим. Доно халқимизда шундай мақол бор: «Ерга қандай уруғ сочилган бўлса, шундай экин ҳосил беради». «Оқ қозога нақш қандай эзилган бўлса, шундай ўқилар».

Ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш ҳамда мустақил республикамизда ҳуқуқий демократик давлат куриш учун шарт-шароитлар яратишда Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июндаги «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг комплекс дастури тўғрисида»ги қарори сиёсий ва тарихий аҳамиятга эгадир.

Зеро, жамиятда яшаётган ҳар бир шахнинг, шунингдек, болаларнинг ҳам ҳуқуқ ва бурчлари мавжуддир. Болаларнинг ҳуқуқи ҳақида сўз кетганда аввало, юртимизда уларнинг ҳуқуқий

бирлар тизими йўлга қўйилган.

Туманимизда ҳуқуқ-тартибот ходимлари, фахрийлар, ўқитувчилар томонидан маҳалларда, касб-хунар коллежларида, умумтаълим мактабларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг меҳнатга, касбга бўлган қизиқишларини янада ошириш мавзусига бағишланган мулоқотлар, учрашувлар уюштирилляпти. Болалар масканларида гиёҳвандликка қарши турли видеофильмлар, ўқувчилар ижросида саҳналаштирилган асарлар намойиш этилиши ушбу жиноятчиликларнинг болалар ўртасида кескин камайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ёшлар ўртасида соғломлаштириш, истеъдодли ва иқтидорли ёшлар фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган кўплаб тадбирлар олиб борилмоқда. Натижада Ангор туманидан кўплаб спортчилар вилоят, республика ва дунё миқёсидаги нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Ёш қалам-кашлар, rassomлар, раққос ва қўшиқчилар мамлакатимизда кенг қулоч ёйган «Келажак овози» кўрик-танловларида, ўқувчи-талабалар форумларида иштирок этмоқдалар.

Инсон ҳуқуқи бола ҳуқуқидан бошланади. Бугунги кунда болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ва ҳуқуқий меъёрлар асосида болаларнинг яшаш, воёга етиши ва ҳимоясига оид миллий дастур ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш, болалар ҳуқуқини таъминлашда ҳуқуқий муҳофаза этувчи халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси ЮНЕСКО билан ҳамкорлик масалалари яхши йўлга қўйилган. Болалар яшаш ҳуқуқини кафолатлаш, ўсиш ва ривожланиш шароитини, оналар соғлигини яхшилаш орқали соғлом фарзанд туғилишига эришиш, махсус эҳтиёжли болаларга этиборни қўлайитириш, ўсимлар соғлигини мустақамлаш, таълим олиш ва муҳофаза мақса-латига алоҳида эътибор қаратилляпти.

Панжи САИДУЛОВ, Ангор тумани 1-сон ДНИ нотариуси.

Реклама ўрнида

Бугунги кунда Андижон вилоятидаги кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатиб келмоқда. Хусусан, Марҳамат туманидаги «Марҳамат савдо мажмуаси» МЧЖ 60 мингдан зиёд аҳолига ўзининг 20 та чакана савдо шохобчалари орқали савдо хизматини ташкил қилган.

Арзон, сифатли, намунали

савдо хизмат кўрсатиш андижонликлар шиорига айланган



Жамоа томонидан жорий йилнинг ўтган 1-чорагида туман аҳолиси учун энг зарур бўлган халқ истеъмол молларидан жами 720,0 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди.

— Шунингдек, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида шартнома асосида хизмат кўрсатиб келаятган чакана савдо дўконларининг 10 та-сида капитал таъмирлаш ва қолган 10 тасида жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда кенг қўламли қўламли зорлаштириш ишлари амалга оширилиб, ушбу мақсадларга 5,5 миллион сўм маблағ сарф қилинди, — дейди жамият раҳбари Баҳодир Ғофуров.

Мажмуада аҳолига савдо хизмати кўрсатиш билан бирга қўшимча сервис хизмати кўрсатиш, яъни пайнет, мини банк, кичик ўқув маркази каби хизмат турлари ташкил қилиниб, фаолият кўрсатиб келмоқда. «Маданият Матлубот» МЧЖ ҳам Пахтаобод туманининг 44300 нафар аҳолисига савдо хизмати кўрсатади. Бу аҳолига 21 та савдо дўконлари орқали 50 турдан ортиқ озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари мунтазам равишда етказиб бериб келинаётганидан далолатдир.

Барча савдо дўконларида савдо, санитария қоидалари, иш режимида риоя этилиши, маҳсулот турини қўлайитириш ва нақд пул тушумларини банк муассасаларига ўз вақтида топширишлари устидан қатъий назорат ўрнатилган. Натижада 2011 йил якуни бўйича 2876475 минг сўм товар айланishiга эришилди. 2012 йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида эса бу кўрсаткич 825420 минг сўмни ташкил этди. 2011 йилнинг якуни бўйича маъсулият чекланган жамият 56978 минг сўм соф фойда олишга эришди. Кам таъминланган оилаларга ёрдам, мактаб ва мактаб-гача таълим муассасаларига, дам олиш оромгоҳларига ҳимойлик ҳамда меҳнат фахрийларининг дам олишлари учун йўлланмаларга жами бўлиб ўтган йил мобайнида 7468 минг сўм, жорий йилнинг 4 ойи мобайнида 2170 минг сўм ҳимойлик ёрдами кўрсатилди.

Давур ЖОЗИЛОВ, «Adolat» муҳбири

Муваффақиятими замири, аввало, ҳалоллик ва покликдадир

Жиноят ва жазо

Бугунги кунда иқтисодий тизимнинг ривожланишини тадбиркор ва ишбилармонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига бозорларимиз турли-туман маҳсулотлар билан кундан-кунга бойиб бораётганлиги қувончли ҳол, албатта.

Юртимизда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қарор ва фармонлар қабул қилинди. Натижада тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди.

Қонун доирасида даромад топиш учун ақлни ишлатиб, тадбир билан иш юритиш ва ҳалол меҳнат қилиш талаб этилади. Ҳар қандай бошланган ишнинг муваффақияти замирида аввало, ҳалоллик, поклик ва энг муҳими халқ, давлат манфаати муҳассам бўлганидagina мақсадга эришилади.

Бугунги кунда ҳам ўзларига, ҳам эл-юртга ва давлатга наф келтираётган тадбиркорларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ гуруч курмакисиз

даги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Жиззах вилояти бозор-қармаси Зарбдор туман бўлими томонидан бу каби қонуний тадбиркорлар орасида соғлом рақобат муҳитини бузиб келаятган «сохта тадбиркорлар»ни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятига барҳам бериш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Зарбдор туман «Лалмикор» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Шерали Жўрақуллович Нозимов ўз ховлисининг мол-хонасига қўлбола усулда ясалган жувоз ускунаси ўрнатиб, электр тармоғига ўзиб-шимчлик билан улаиб, қонунга хилоф равишда муомалага қилиш мақсадида қўлбола жувоз ускунасида чинаган ёғ маҳсулоти ишлаб чиқараётганлиги аниқланди.

Тадбирда унинг хонадонидан умумий қиймати 169,2 минг сўмлик жувозда ишлаб

чиқарилган сифатсиз ёғ ва кунжара маҳсулотлари ҳамда жувоз ускунаси далилий ашё тарикасида олиб қўйилди.

Электр энергиясига ноқонуний улаиб 309,6 минг сўм зарар етказган фуқаро Ш.Нозимовга суд ҳукми билан жазо тайинланди.

Юқоридаги ҳолат бўйича «сохта ишбилармон» суднинг қонуний ҳукмига кўра жавобгарликка тортилди. Шу билан бу масала ўзининг ечилиши тоғандай кўринадди. Лекин Ш.Нозимов томонидан ишлаб чиқарилган сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилган кишиларнинг соғлигини қайта тиклаб бўлармиди.

Мамлакатимизда валюта соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, олдини олиш ва бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб вазифалардан биридир. Чунки бу турдаги жиноятлар давлатимиз иқтисодийига катта зарар етказибгина қолмай, миллий валютамизни қадр-

сизлантиради. Шунингдек, инфляция жараёнини қўлайитириб, иқтисодий ислохотлар ривожига катта таъсир кўрсатади. Ҳуқуқбузарлар қўлида катта миқдорда ноқонуний валюта маблағлари тўпланиб, яширин иқтисодий фаолият вужудга келади.

Бу турдаги ҳуқуқбузарликларни фотиш этиш борасида ўтказилган тадбирда Зарбдор туманида яшовчи фуқаролар Қаҳрамон Кўчибоев ва Шерзод Эгамбердиевлар фуқаро Ф.Жангировдан 3200 АҚШ доллари жами 7100000 сўмга қонунга хилоф равишда сотиб олган вақтларида ушланган. Ушбу фуқароларнинг жиноий қилмишлари судда кўриб чиқилиб, жазога тортилди.

Маълумки, ҳуқуқимизни томонидан иқтисодий тизимни ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш тарзи фаровонлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида самарали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган тадбирларда 16 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари фотиш этилиб, тадбиркорларга 51,8 миллион сўмлик зарар етказилганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, улар суд ҳукмига асосан жазога тортилди. Халқимизда бир нақл бор: «кўза кунда эмас, кунда си-нади». Тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлганларга ана шундай қонунийликда белгиланган чора қўрилади.

кўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган тадбирларда 16 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари фотиш этилиб, тадбиркорларга 51,8 миллион сўмлик зарар етказилганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, улар суд ҳукмига асосан жазога тортилди.

Халқимизда бир нақл бор: «кўза кунда эмас, кунда си-нади». Тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлганларга ана шундай қонунийликда белгиланган чора қўрилади.

Шамсиддин СОҲИБНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг бош инспектори Илҳом ДАМАНОВ, Департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси катта инспектори

Сўнгги саҳифа

Диққат, танлов!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурури-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағиш-лаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий ишлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, хавфсизлик ва барқарорлик таъминлангани, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, аҳолининг, эътиборини, эътиборини, қатъий ва матонатли ҳамда юксак инсоний фазилатларини намоён этишга эришганини, жамиятимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳроқибат муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бекор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Мустақам оила йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

Шунингдек, танловга тақдим этилган материаллар ўтган давр мобайнида халқимиз мураққаб ва машаққатли йўлни босиб ўтганини, ўзининг мустақам иродаси, қатъий ва матонатли ҳамда юксак инсоний фазилатларини намоён этишга эришганини, жамиятимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳроқибат муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бекор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Мустақам оила йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2011 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, шунингдек, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна»
ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.



Жорий йилнинг 2 июль куни
Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг
ахборот алмашинуви
«MIX-MARKET»
агентлиги

«Микрокредитбанк»

очиқ акциядорлик
тижорат банки

фаолиятини
микромолиялаш
соҳасидаги
энг юқори
бўлган

«5 Олмос»

даражасида
яна бир бор
баҳоланганини
тасдиқловчи
сертификат
такдим этди.



«Келажак овози» оромгоҳи

ўз фаолиятини бошлади

Қашқадарё вилоятида Фонд Форум ва «Келажак овози» Ёшлар тошбуслари марказининг ёшларга мўлжалланган йирик лойиҳаларидан бири — «Келажак овози — 2012» ёзги ўқув оромгоҳи ўз ишини бошлади.

Сўров ва суҳбатлар якунлари бўйича 600 га яқин энг муваффақиятли иштирокчи бу ерда ўз таътилини фойдали, унумли ва соғлом ўтказадиган бўлди. Оромгоҳда ёшлар маҳаллий ва халқаро мутахассислар олиб борадиган семинар-тренингларда қатнашади, таниқли жамоатчилик ва маданият арбоблари билан учрашади.

Ёзги ўқув оромгоҳи доирасида «келажакчилар» хорижлик мутахассислар томонидан олиб бориладиган «Тадбиркорлик кўникмалари», «Ахборот технологиялари ва инновация ғоялари», «Баҳс юритиш

қоидалари», «Расмий чиқиш-лар ва нотиклик маҳорати», «Бир жамоа бўлиб ишлаш ва Team-building», «PR ва реклама», «Креатив фикрлаш» ва бошқа мавзулардаги тренингларда қатнашадилар. Маданий дастурга кўра, бу ерда турли интеллектуал ўйинлар, миллий либослар дефилеси, танловлар ва тақдимотлар, театрлаштирилган сахна кўринишлари, машҳур кишилар билан учрашувлар ташкил этилади.

Ўтган йилдан бошлаб оромгоҳда қатнашиш учун анкета-ларни нафақат «Келажак» ЕТМ фаоллари, балки бутун республикадан 18 дан 25 ёшгача

бўлган иқтидорли йигит-қизлар ҳам тақдим этадиган бўлди. Иштирокчилар икки босқичда танлаб олинди. Электрон почта ва «Келажак овози» ЕТМда 2000 дан зиёд ариза қабул қилинди.

«Келажак овози» ёзги ўқув лагери 2007 йилдан буён ўтказилади. Ҳар йили ташкилотчилар лойиҳага бирор янгилик киритишади. Хусусан, 2009 йили турли компанияларнинг муайян бозорда фаолиятига асосланган ўйинлар ташкил этилди, 2010 йилда дунёнинг ривожланган шаҳарлари билан танишишга қаратилган ўйин киритилди, 2011 йили эса иштирокчилар ижтимоий-иқтисодий соҳада базавий ва амалий билимларга эга бўлишди.

Ўз мухбиримиз



Ж.НОРҚОБИЛОВ (ўса) олган сурат.

«Нурафшон» оромгоҳи бағрида

Қашқадарё вилоятидаги 19 оромгоҳда жорий ёзги соғломлаштириш мавсумида 27 минг 180 ўғил-қиз хордик чиқаради. Уларнинг мазмунли дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Китоб туманидаги Қайнар маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Нурафшон» оромгоҳида ҳам ҳар йили ёзда юзлаб болалар таътилни мароқли ўтказди. Жорий мавсум давомида ушбу сўлим маскан мингга яқин ўғил-қизни ўз бағрига олиши режалаштирилган.

Оромгоҳнинг бош тарбиячиси Марҳоба Маҳаммадиева-

нинг айтишича, бу ерда ҳар куни ўтказилаётган турли маданий-маърифий ҳамда кўнгилочар тадбирларда болажонлар фаол қатнашиб, ўз истеъдодларини намоён этмоқда. Айниқса, спорт ва санъат йўналишларида танлов ва мусобақалар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Суратда: «Нурафшон» оромгоҳида.

Ўқинг, бу қизик

Антиқа капсула

АҚШ олимлари электрон капсула яратдилар. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига кўра, мазкур капсулага иккита микрочип ва видеокамера ўрнатилган.



Ушбу электрон таблетка беморнинг ҳолатига баҳо бериш, шунингдек, зарур вақтда дори ажратиш хусусиятига эга. Хабарларга қараганда, ҳажми тўрт юз квадрат микрометрга тенг бўлган митти капсуланинг ичига турли дорилар жойлаштирилган. У ҳам шифокор, ҳам дармон вазифасини ўтайди.

Автомобиллар ҳаракати камайтирилади

Хитойда ҳавонинг ифлослини оқибатида юзага келадиган экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида давлат муассасаларига тегишли автомобиллар ҳаракати нисбатан камайтирилмоқда.



Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, автомобиль рақами тоқ сонда тугайдиган шахслар ҳафтанинг бир кунда, жўфт сонда тугайдиганлар ҳафтанинг бошқа кунда ўз автоуловларидан фойдаланмасликлари тўғрисида кўрсатма олганлар.

Узум — кони фойда

Германиялик олимлар узумни кўп миқдорда истеъмол қилиш артериал қон босимининг пасайишига ва юрак фаолиятининг яхшиланишига ёрдам беради, деб таъкидлашмоқда.



Хабарларга қараганда, ушбу мева таркибидаги моддалар инсон организмидagi туз миқдорини камайтиради ҳамда миокард инфаркти касаллиги юзага келишининг олдини олади.

Фаройиб топилма

Австрияда мастодонт (катта филсимон ҳайвон) суяги топилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мастодонтнинг дандон тишларидан бири тўрт, иккинчиси уч метр бўлиб, оғирлиги уч-тўрт тоннагача етади.



Экспертлар топилмадаги ДНКни текшириш орқали мастодонтларнинг нима сабабдан қирилиб кетганини аниқлаш имконига эга бўлганлар. Уларнинг айтишича, мастодонтлар мамонтлар сингари Шимоллий Америкада ўн минг йил муқаддам, Европада эса тахминан икки миллион йил аввал яшаган.

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА,
Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир
ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ,
Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Рашид
ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқиб бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахрир хайъати: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри
Буёқ Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ— 700. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6683.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 21.00



1 2 4 5